

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ: АҚШ ВА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА

**Хўжаназарова Мақсуда Муҳаммадиевна**

*Саф қисми курслар бошлиғининг Хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, подполковник*

**Аннотация:** Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш, уларда қўлланилаётган замонавий ва самарали шакл ва усулларини қўллаш, хотин-қизлар жиноятчилиги ҳамда фоҳишалик жиноятлари профилактикасини хорижий давлатлар тажрибаси асосида чуқур ўрганиш, уларнинг энг самарали шакл ва усулларини Ўзбекистонда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** профилактика, хотин-қизлар жиноятчилиги, фоҳишалик жиноятлари, жиноят, «Neighborhood watch», хорижий давлатлар.

## ОПЫТ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ЖЕНСКОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: ПРИМЕР США И СТРАН ЕВРОПЫ

**Аннотация:** Анализ передового опыта зарубежных стран по профилактике женской преступности, применение используемых в них современных и эффективных форм и методов, углубленное изучение профилактики женской преступности и преступлений, связанных с проституцией, на основе опыта зарубежных стран. наиболее эффективные формы и методы профилактики женской преступности в Узбекистане. Думается о разработке предложений и рекомендаций по осуществлению профилактики женской преступности.

**Ключевые слова:** профилактика, женская преступность, преступления проституции, преступность, «Соседский дозор», зарубежные страны.

## THE EXPERIENCE OF SOME FOREIGN COUNTRIES IN THE PREVENTION OF FEMALE CRIME: THE EXAMPLE OF THE USA AND EUROPEAN COUNTRIES

**Abstract:** Analysis of the best practices of foreign countries in the prevention of female crime, the use of modern and effective forms and methods used in them, an in-depth study of the prevention of female crime and crimes related to prostitution, based on the experience of foreign countries. the most effective forms and methods of preventing female crime in Uzbekistan. We are thinking about developing proposals and recommendations for the prevention of female crime.

**Key words:** *prevention, female crime, crimes of prostitution, crime, Neighborhood Watch, foreign countries.*

*"Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари та'минланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади."*

**Шавкат Мирзиёев<sup>57</sup>**

Ҳар қандай жиноятлар профилактикасини амалга оширишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг илғор иш усулларини ўзимизнинг миллий ва маънавиятимизга мос бўлганларини амалий фаолиятга татбиқ этиш самарали натижалар беради. Шу жумладан, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш, уларда қўлланилаётган замонавий ва самарали шакл ва усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда нафақат ўрганилаётган жиноятчиликнинг ўзи, балки унга шарт-шароит яратадиган воқеа, ҳодисалар ўрганилиши керак. Фоҳишалик, фоҳишахона сақлаш ҳам бевосита хотин-қизлар жиноятчилиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Бизнингча, фоҳишалик муаммоси билан боғлиқ барча жинойи-ҳуқуқий қарорлар энг аввало жиноят содир этувчи бундай аёллар шахсига ва фоҳишаликни эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан алоҳида ёндашиш имкониятига таяниши керак. Бундай ёндашув, биринчидан, жиноят процессида далил-исботлар билан таъминлаш нуқтаи- назаридан юқорида зикр этилган шахсларни янада кенг тавсифлаш имконини беради, иккинчидан эса, индивидуал профилактика ишларини амалга оширишда шахснинг психологик хусусиятларини эътиборга олишнинг зарур шarti бўлиб ҳисобланади.

Давлат, миллий ва маънавий қадриятлар тизими ва жамоатчилик фикридан келиб чиқиб, фоҳишаликка қарши кураш сиёсатини мустақил белгилашга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам ҳатто бир концептуал ёндошув танланган мамлакатларда ҳам уни амалга оширишнинг йўллари ва усуллари ҳар хил бўлиши мумкин<sup>58</sup>.

Ҳуқуқбузар аёллар жиноят содир этиш вақтида яримидан кўпи турмуш қўрган, бир ёки ундан ортиқ фарзандлари бўлган аёллар ҳисобланади. Кўп ҳолатларда суд ҳукмига кўра жазо тайинлангандан сўнг, маҳкума жазони ижро этиш муассасасидаги шароитларга ҳали кўникмай туриб, унинг оиласи бузилиб кетяпти ва эркак кишиларнинг кўпи бошқа аёллар билан оила қуряпти, таъкидлаб ўтиш керак-ки, ҳамма хорижий давлатларда бундай камчиликлар

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, -Т-<https://president.uz/oz/lists/view/4212>

<sup>58</sup> Қ.Р.Абдурашулова. Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д.,проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –Б. 144.

кузатила берилмайди. Такидлаш жоизки, айрим Европа давлатларида кўпчилик маҳкумалар оиласидан ажрашмаганлиги сабабли жазодан озод этилган вақтида тўғри йўлга кириб, тинч ва тотув ҳаёт кечирмоқда.

АҚШнинг машҳур журналининг маълумотига кўра, жиноят содир этаётган аёлларнинг кўпчилик қисми олий ва ўрта-махсус маълумотли, яъни меҳнатга лайоқатли, қўлида хунари бор аёллар хисобланади. Бундай вазият келиб чиқиши ўрганилганда, объектив ва субъектив омиларни ҳаётнинг бир-бирига бўлган қарама қаршиликлари, кўп меҳнат қилиб лекин маошлари эҳтиёжларини қопламаётганини ва “тоза” меҳнат билан Мегаполисдан уй сотиб ололмаётганлиги, машина ҳайдай олмасликлари, уй-юмуш ва бошқа шахсий муаммоларни сабаб қилиб кўрсатишган.

Аслида эса америкалик криминолог олимларининг фикрича:

-дунё ривожлангани сари технологиялар ривожланиб бормоқда ва ҳар бир боланинг онгига компьютер ва бошқа технологиялар орқали “заҳарли” оммавий маданият етиб бормоқда;

- таълим-тарбияни ота-оналар эмас, балким, компьютер- технологиялар бермоқда ва натижада шахс ҳис-туйғусиз ўсмоқда;

-аёлларнинг аксарияти балоғат ёшидан ўрганиб қолган, енгил-елпи ҳаётлари орқали улар жинсий гуруҳларнинг “илмоғига илиниб” ҳар-қил оқимларга аралашиб қолишмоқда;

-қизларни балоғат ёшида ҳеч бўлмаганда ўзи мустақил равишда оиласи учун таом таёрлаш, отаси ёки яқин синглиси, укаси учун бир нимани тикиб бериши, оиласи учун хар куни фойдали кўл меҳнатини бажариши йўқолиб кетганлиги, аёллар замонавий асбоб-ускуналарга ўрганиб қолгани натижасида қўлида бажариши лозим бўлган вақтда ўша машинка ёки яқин дўконга бориб тайёр таом олиб келиши, уларни “оилам учун” деган фикрдан узоқлашишига сабаб бўлиб келмоқда;

-яна бир муҳим жиҳат аёл киши бармоғидаги мавжуд нейро-тўлқинлар, уларни аёл жинсига мансублигини билдириб турувчи мияга ягона тўлқинларни ёқолиб кетаяётганлигини таъкидлаб ўтишади.

“Аёлларни жиноят содир этиш омилларини санаш учун сон етмайди,-дейди Ю.М.Антонян,- лекин ёшлигида кичик қийинчиликларга чидай олмайдиган шахс, келажакда кўп муаммоларга дуч келганда, оғир меҳнатдан қочиб енгил меҳнатни танлаш орқали, бир жойда кўним топмай, оқибатда жамиятнинг заиф нуқтасига айланади”<sup>59</sup>.

Бундай жинсий мақомларни ўрганиш жараёнида, аёлларни, жиноят оламидаги мақомига қараб, уларни психологияси, ақл-заковати, нимага қодирлигини билиш мумкин, шу тариқа, уларга одил жазо тайинлаш мумкин бўлган.

<sup>59</sup> Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Юрид. лит., 1992. – С. 243.; Антонян Ю.М., Кудряцев В.Н., Эминов В.Е. Личность преступника / Ассоц. «Юрид. центр». – СПб.: Юрид.центр Пресс, 2004. – 364 с.

Аёллар ўртасидаги жиноятга қарши курашиш бутун жахон миқёсига чиққан долзарб масалалардан бири бўлиб, жиноятлар орасида инсонпарварлик жиҳатидан жазо тайинлаш мушкул бўлган муаммо ҳисобланади. Чунки аёл киши жамиятни асосий ҳисобланган оилани яратувчи, янги авлодни тарбиялувчи, жамиятнинг келажагини тарбиялайдиган шахс ҳисобланади. Жахонда аёл кишиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кўплаб конвенциялар, соғлиғни сақлаш органлари томондан она ва бола учун текин муолажалар, жамиятда ўз ўрнини эгаллашқа ёрдам берувчи махсус муассасалар, фондлар ва ҳоказолар яратилган.

Жиноят содир этган аёлни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган жиноятларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ҳуқуқни сақлаш органлари томонидан ишлаб чиқилган. Аёл турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, жиноят содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида Буюк Британия, Лотин Америка, АҚШ, Италия ва Германияда аёллар жиноятлари бўйича махсус бўлимлар ва ташкилотлар тузилган. Буюк Британияда ва АҚШда қуйидаги курунишда махсус профилактик чора-тадбирлар квартал-инспекторлари томонидан округ прокурорини руҳсати билан қўлланилади, масалан: «Neighborhood watch» (Кушнингнинг кузатуви), Crime stoppers (жиноятни тухтатувчилар), «WEED and SEED» ва ҳоказолар.

Юқорида курсатилган барча тадбирлар фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан, ахоли билан тўғридан-тўғри мулоқот орқали йўлга қўйилган бўлиб, жамоатчилик назоратини, маҳкумалар ва жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар устидан кучайтириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ёрдамлар кўрсатиш, ижтимоий ҳаётда аёллар ўрнини кўпайтириш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда айнан аёллар ўртасидаги жиноятга қарши қаратилган чора тадбирларни эълон қилиш, жиноят содир этган аёлни телевидиния воситалари орқали тўғридан тўғри намоиш этиш ва жазо тайинланиш жараёнини очиқлик ва шаффовликда кўриб чиқишга қаратилган.

Швецария олимлари аёллар ўртасида жиноятнингни ўрганиш жараёнида, шахс оиладаги муҳитнинг шаклланиши, ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатишида намоён бўлади деганлар. Оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит, нафақат, шахсни ўзини ҳаёти, балким, уни ўраб турган шахсларга ҳам тарқалишига сабаб бўлади. Шунинг учун Швецарияда оила қиз фарзанд кўрса, унинг туғилиш маросимида қатнашувчиларнинг барчаси оқ рангли либос кийишлари шарт бўладилар, чунки оқ ранги поклик ва беғуборлик рамзи деб тан олинган. Аслида эса, психология жиҳатдан қарайдиган бўлсак, швецарияликлар фарзандига ёшлик давридан оқ рангни яхши хислат, яхши ният, беғуборлик ва бошқа яхшиликка ундовчи биринчи сигнални онг ости

психологиясига, шу орқали таъсир этишади деб ўйлашган. Балким, айнан шу боис, Швецияда аёллар ўртасида жиноятнинг коэффициенти пастдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хорижий давлатлар тажрибасини куйидагиларга ажратиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: 1) АҚШ ва Фарбий Европа давлатлари тажрибаси; 2) Осиё давлатлари тажрибаси; 3) МДХга кирувчи давлатлар тажрибаси.

*Америка Қўшма Штатлар* тажрибасида жиноятчиликка қарши курашда эркалар ёки хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг алоҳида йўналишлари белгиланмаган, балки уларда жиноят турларидан келиб чиқиб жиноятчиликка қарши кураш чоралари амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШ полициясида ягона бошқарув мавжуд эмас, Д.Д. Шалягин бунини Шимолий Америка давлатлари ҳудудидаги давлатчиликнинг тарихий шаклланиши натижаси деб ҳисоблайди ҳамда мазкур тизимнинг Европа давлатлари полиция тизимларидан асосий фарқини унинг «пастдан тепага» принципи асосида ташкил этилганида кўрсатади<sup>60</sup>.

АҚШда 40 мингдан ортиқ полиция идора-агентликлари мавжуд бўлиб, мамлакатда уларнинг бошқарилишини мувофиқлаштириб борувчи марказий полиция идораси мавжуд эмас. АҚШда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга ошириш вазибалари асосан штатларга юклатилган<sup>2</sup>. АҚШ полиция идораларининг кўпчилиги штатларда, уч мингдан ортиғи эса графликда жойлашган шерифлик идораларидир<sup>61</sup>. Мамлакатда штатлар ва маҳаллий полиция участкалари сони 18789 та бўлиб, уларнинг 13578 таси умумий тартибдаги маҳаллий полиция бўлинмалари, 3088 таси шерифлик идоралари, 49 таси штатлар бўлинмалари, қолган 1316 таси эса маҳаллий ва штатлар махсус юрисдикция бўлинмалари (порт полицияси, транспорт полицияси ва бошқ.) ҳисобланади. Мамлакатда тўлиқ иш кунини ишлайдиган, қасамёд қабул қилган полициячилар сони ҳар 1000 нафар аҳолига 2,4 нафар, катта шаҳарларда эса 2,3 нафардан тўғри келади<sup>4</sup>. АҚШда федерал полиция органлари, штатлар, шаҳар ва округлар полицияларини барча зарур маълумотлар билан таъминловчи жуда самарали ахборот тизими қарор топган ва фаолият кўрсатади<sup>62</sup>.

АҚШнинг ҳар бир штатининг ўз қонунлари бўлиб, улар бир биридан фарқ қилади, айрим штатларининг қонун ҳужжатларида фоҳишалик тақиқланган. Хусусан, фоҳишалик жиноят деб эътироф этилиб, ушбу фаолият билан

<sup>60</sup> Шалягин Д.Д. Полиция США – организационные и правовые основы деятельности: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М., 1998. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/politsiya-ssha-organizatsionnye-pravovye-osnovy-deyatelnosti> (мур. вақти: 20.05.2016). <sup>2</sup> Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 17.

<sup>61</sup> Кваша Л.Ф. Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – 1998. – С. 197. <sup>4</sup> Криминология / Под ред. Дж. Ф. Шели; Пер. с англ. – СПб., 2003. – С. 466.

<sup>62</sup> Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Тажиев А.А., Мирзатов Д.М. – Т., 2010. – С. 197.

шуғулланган хотин-қизларнинг жавобгарлиги белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, жиноятлар содир этилишида фоҳишаликнинг ўзига хос роли мавжуд, жумладан, айрим вазиятларда келишмовчилик, рашк ва бошқа сабабларда жиноятлар фоҳишалик оқибатида содир этилади, шунингдек, наркотик воситаларнинг ноқонуний савдоси каби иллатлар айнан фоҳишалик билан шуғулланувчи хотин-қизлар томонидан содир этилаётганлиги боис, Ўзбекистон Республикасида ҳам АҚШдаги каби фоҳишаликни “жиноят” деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

АҚШда бошқа давлатларда кузатилмайдиган самарали махсус тартибдаги профилактик чора-тадбир яъни «Neighborhood watch» (Кушнининг кузатуви) мавжуд бўлиб, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этган, маъмурий ва пробация назоратларида бўлган шахсларни ҳаракатларини кузатишда муҳим аҳамият касб этади. АҚШнинг жиноятлар муҳокамасига бағишланган махсус журналининг маълумотларига қараганда 2021-2022 йилларда юқоридаги кузатув чораси натижасида 1000 дан ортиқ такрорий жиноят олди олинган. Ушбу кузатув чораси мураккаб бўлмасада, самарали ҳисобланади. Жиноят содир этган ҳамда жазо муддати тугаб озодликка чиққан шахснинг қўшнилари (камида 2 та) кузатув чораси талаблари билан таништирилади. Уларга давлат томонидан ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатилади. Кузатув чораси муддати 2 йил ҳисобланиб, ушбу даврда шахс жиноят содир этмаса қўшнилари рағбатлантирилади.

Юқоридагиларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, қўни-қўшничилик ва маҳалла институти доимо илғор бўлган мамлакатимизда ҳам ушбу кузатув чораси бўйича ҳам қонунчилигимизга тегишли номаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

П.Н. Астапенко Европа давлатларида полиция органлари конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда а) махсус ваколатга эга ҳукумат таркибидаги ижроия ҳокимият органи; б) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш субъекти сифатида иштирок этади<sup>63</sup> деб таъкидлаган.

Германияда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси бўйича ўзига хос тажриба шаклланган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб<sup>2</sup>, ўз ичига Федерал ИИБ (Bundespolizei), Федерал криминал полиция идораси (Bundeskriminalamt) ва Ўлкалар ИИБлари (Landespolizei)ни қамраб олади<sup>64</sup>. Ўлкалар ИИБлари Федерал ИИБнинг

<sup>63</sup> Астапенко П.Н. Конституционно-правовые основы деятельности полиции (милиции) стран Европейского Союза и Российской Федерации: Автореф. дис.... докт. юрид. наук. – Москва, 2009. / [Эл. манба]. – URL: <http://www.dissercat.com/content> (мур. вақти: 14.05.2016). <sup>2</sup>Административное право зарубежных стран. – М.: СПАРК, 1996. – С. 120.

<sup>64</sup> Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Тажиев А.А., Мирзозов Д.М. – Т., 2010. – С. 294.

кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИВ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди<sup>65</sup>.

Германияда ҳам АҚШдаги каби хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга ошириш марказлашмаган бўлиб, ушбу фаолият асосан ўлкалар полицияларининг зиммасига тушади<sup>66</sup>. Хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини тартиб сақлаш полицияси амалга оширади. Мамлакатнинг ҳар бир ўлкаси ўз қонунчилиги ва идоровий ҳужжатларига амал қилса-да, тартиб сақлаш полициясининг фаолияти ҳамма ўлкаларда бир хил:

-ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва криминал полиция етиб келгунига қадар кечиктириб бўлмас тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга ошириш;

-оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш;

-жамоат жойларида тартибни сақлаш, алоҳида аҳамиятга эга иншоотлар ва ҳукумат биноларини қўриқлаб бориш;

-йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш; ушланганларни конвой қилиш ва суд муҳокамалари вақтида қўриқлаб туриш;

-ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология ва бозорларда савдо қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

-паспорт тизимини назорат қилиш;

-қиморхоналар, лотерея ва тотализаторларда қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш;

-ўрмонни қўриқлаш; меҳмонхона, ресторан, бар ва казиноларда қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш; маҳаллий фуқаро мудофаасини амалга ошириш; қаровсиз қолган вояга етмаганларни назорат қилиш кабилардан иборат<sup>67</sup>.

Бинобарин, айрим ўлкалар полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади<sup>68</sup>. Мамлакат Жамоат тартибини сақлаш полициясида 160–165 минг нафар ходим хизмат қилади<sup>3</sup>.

Яна бир жиҳат Германияда 1963 йилдан буён фаолият юритаётган кўнгилли полиция хизматига полиция вазифаларини бажаришга лаёқатлиги текширувдан ўтказилган ва икки ҳафталик дастлабки тайёргарликдан ўтган кўнгилли фуқаролар қабул қилиниб, 10-15 нафари бир гуруҳга бирлашган ҳолда

<sup>65</sup> Полиция Германии: история и современность: Учеб. пособие. – М.: Академия управления МВД России, 2000. – С. 65.

<sup>66</sup> Лазерев В.В., Болтенко Ю.Н. Компетенция органов местного самоуправления Гремании в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – 1998. – С. 215.

<sup>67</sup> Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджикиев А.А., Миразов Д.М. – Т., 2010. – С. 323.

<sup>68</sup> Лазерев В.В., Болтенко Ю.Н. Компетенция органов местного самоуправления Гремании в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – 1998. – С. 217.

<sup>3</sup> Полиция Германии: история и современность: Учеб. пособие. – М.: Академия управления МВД России, 2000. – С. 80.

хизмат олиб бориши йўлга қўйилган<sup>69</sup>. Кўнгилли полиция хизмати аъзолари оммавий тартибсизликлар юзага келганда, йўқолган инсонларни қидириш ишларида ҳамда фаолиятни кучайтириш талаб этиладиган бошқа ҳолатларда полицияга яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Бунинг учун уларга белгиланган миқдорда пул мукофотлари бериб борилади<sup>70</sup>. Германия ИИВ статистик маълумотларига қараганда кўнгилли полиция хизматининг самарали фаолияти натижасида хар йили тунда содир этиладиган жиноятларнинг 50%и олди олинади.

Германиянинг яна бир ўзига хос оила-турмуш доирасида содир этиладиган жиноятларни олдини олиш тизими мавжуд бўлиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тизим оилада эр ёки хотинни маълум муддат давомида (60 кунгача) бир-биридан ажратиб, алоҳида ижтимоий-реаблитация марказларига жойлаштиришдан иборат бўлиб, жуфтликлар ушбу муддатда бир-бирининг ва оиланинг қадрига етишади ҳамда бошқа жанжаллар содир этилмайди. Германия ИИВ статистик маълумотларига қараганда 2022 йилда ушбу марказларга 10 мингдан ортиқ шахс жойлаштирилган бўлиб, уларнинг 40%дан ортиғи аёллардир. Олимларнинг таъкидлашича оила-турмуш доирасида содир этиладиган жиноятларнинг профилактикасини амалга оширишда ушбу марказларнинг ўрни беқиёсдир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тажрибасида ҳам ИИОлари тизимида фаол хотин-қизлар ичидан “Кўнгиллилар отрядлари”ни ташкил этиш ва уларнинг имкониятларидан хотин-қизлар жиноятчилини амалга ошириш ҳамда алоҳида оила-турмуш доирасидаги жиноятларни профилактикасини амалга ошириш мақсадида махсус реабилитация марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Францияда Европа давлатлари орасида хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси соҳасида яна бир ўзига хос жиҳатга эга бўлган тизим шаклланган. Тарихан Европанинг бошқа давлатлари сингари марказлашмаган ва ҳокимиятнинг турли институтларига бўйсунган Франция полицияси бугун ИИВ тизимида бирлашган икки асосий марказий институт – миллий полиция ва жандармериядан иборат<sup>71</sup>. Бу тузилмалар, С.Н. Шишкарёв таъкидлаганидек, узоқ тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган, Франция полицияси тизимида муҳим ўринни эгаллаган ижроия ҳокимиятининг профессионал ҳарбийлашган тузилмаси бўлиб, қонун ҳужжатлари билан аниқ ваколатлар доирасига эга<sup>72</sup>.

<sup>69</sup> Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 16.

<sup>70</sup> Губанов А.В. Полиция государств Западной Европы: основные черты организации и деятельности: Учебное пособие. – М., 1990. – С. 38. <sup>5</sup> Кан Уэда. Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О.А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 161.

<sup>71</sup> Мачковский И.Г. Полиция Франции (организация, кадры, уголовно-процессуальная деятельность). – М., 1972. – С. 24.

<sup>72</sup> Шишкарёв С.Н. Полицейская система Франции: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М., 2001. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/politseiskaya-sistema-frantsii> (мур. вақти: 20.05.2016).

Франция ИИВ ўз фаолиятини икки соҳада амалга оширади. Буларнинг биринчиси бевосита полиция фаолияти бўлса, иккинчиси ички ишлар, ижтимоий ва маъмурий соҳадаги турли кенг кўламдаги муаммоларни ҳал этишда акс этади. Шу боис, ИИВ Миллий полиция ва Жандармериянинг фаолиятига раҳбарлик қилиши билан бирга мамлакатда сиёсий партиялар ва бирлашмаларни рўйхатга олиш, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, давлатнинг фуқаро муҳофазасини таъминлаш каби бир қатор ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳам бажаради.

Франция Миллий полициясига барча функциялар, жумладан хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга ошириш функцияси ҳам юклатилган бўлиб, уларни самарали таъминлаш мақсадида, унинг таркибида йигирмага яқин бош бошқарма, бошқарма, марказ, институт ва хизматлар фаолият кўрсатади.

Франция Миллий полицияси ўз фаолиятида аҳолига ёрдам кўрсатиш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан кўп бўлмаган миқдорда зарар етказилиши билан боғлиқ жиноятларни суриштириш ва тергов қилиш каби вазифаларни ҳам бажаради<sup>73</sup>. Франциянинг тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган муниципал полицияси шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар жойларида хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга ошириши мумкин ва улар бу борада Миллий полиция билан узлуксиз ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Франция ИИВ Миллий полицияси сингари Бош дирекция раҳбарлик қилувчи ҳарбийлашган Миллий жандармерия ҳам хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Жандармерия қишлоқ ҳудудларида ва мамлакат аҳолисининг ярмини, давлат ҳудудининг 90 %ни ташкил этувчи кичикроқ шаҳарларда полиция вазифасини бажаради. Маҳаллий жандармериялар тузилиши ва вазифалари доирасига кўра Миллий полицияга жуда ўхшашдир. Шунингдек, Францияда Денгиз жандармерияси, Ҳаво транспорти жандармерияси ва Ҳаво жандармерияси ҳам мавжуд, аммо улар хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси билан шуғулланмайди, балки бу борада аниқланган маълумотларни Миллий полиция идораларига тақдим этишлари мумкин.

Франция ИИВ Миллий полицияси Тергов бўлими таркибида жиноят содир этган хотин-қизлар билан тергов-суриштирув ишларини олиб борувчи алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, ушбу бўлим нафақат тергов олиб боради, балки озодликдан махрум қилиш жазосини ўтаётган ва жазони ўтаб озодликка чиққан аёллар устидан ҳам назорат олиб боради. Германия ИИВнинг аёллар ишлари бўйича терговчиси Т.Валентинанинг таъкидлашича, жиноят содир

<sup>73</sup> Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Мирзозов Д.М. – Т., 2010. – С. 368.

этган шахслар билан тергов олиб боришда шу шахс билан бир жинсда бўлиш терговни осонлаштириб жиноятни тез ва самарали юритишга имкон беради<sup>74</sup>.

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасига оид хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибаларини таҳлил қилиш, уларда қўлланилаётган замонавий ва самарали шакл ва усулларини қўллаш, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида самарадорликка эришишнинг муҳим жиҳати хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда мамлакатимизга мос равишда самарали шакл ва усулларини қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, -Т-<https://president.uz/oz/lists/view/4212>
2. Қ.Р.Абдурасулова. Аёллар жиноятчилиги ва уларни олдини олиш муаммолари. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д.,проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –Б. 144.
3. Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Юрид. лит., 1992. – С. 243.; Антонян Ю.М., Кудряцев В.Н., Эминов В.Е. Личность преступника / Ассоц. «Юрид. центр». – СПб.: Юрид.центр Пресс, 2004. – 364 с.
4. Шалягин Д.Д. Полиция США – организационные и правовые основы деятельности: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М., 1998. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/politsiya-ssha-organizatsionnye-ipravovye-osnovy-deyatelnosti> (мур. вақти: 20.05.2016). <sup>2</sup>Майоров В.И. Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 17.
5. Кваша Л.Ф. Особенности правового статуса шерифа и его значение для правового регулирования деятельности местной милиции // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – 1998. – С. 197. <sup>4</sup>Криминология / Под ред. Дж. Ф. Шели; Пер. с англ. – СПб., 2003. – С. 466.
6. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т., 2010. – С. 197.
7. Астапенко П.Н. Конституционно-правовые основы деятельности полиции (милиции) стран Европейского Союза и Российской Федерации: Автореф. дис.... докт. юрид. наук. – Москва, 2009.

<sup>74</sup> T. Valintina, die Ermittlerin für Frauenangelegenheiten des deutschen Innenministeriums, sagte. <https://budeg.de/wp-content/uploads/2021/02/Festschrift-50-Jahre-BID.pdf>

- [Эл. манба]. – URL: <http://www.dissercat.com/content> (мур. вақти: 14.05.2016).
- <sup>2</sup>Административное право зарубежных стран. – М.: СПАРК, 1996. – С. 120.
8. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т., 2010. – С. 294.
9. Полиция Германии: история и современность: Учеб. пособие. – М.: Академия управления МВД России, 2000. – С. 65.
10. *Лазерев В.В., Болтенко Ю.Н.* Компетенция органов местного самоуправления Гремании в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – 1998. – С. 215.
11. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т., 2010. – С. 323.
12. *Лазерев В.В., Болтенко Ю.Н.* Компетенция органов местного самоуправления Гремании в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии управления. – 1998. – С. 217. <sup>3</sup>Полиция Германии: история и современность: Учеб. пособие. – М.: Академия управления МВД России, 2000. – С. 80.
13. *Майоров В.И.* Организация деятельности по охране общественного порядка в США, странах Европы и России: Учебное пособие. – Челябинск, 2003. – С. 16.
14. *Губанов А.В.* Полиция государств Западной Европы: основные черты организации и деятельности: Учебное пособие. – М., 1990. – С. 38. <sup>5</sup>*Кан Уэда.* Преступность и криминология в современной Японии / Пер. с японск. О.А. Белявской. – М.: Прогресс, 1989. – С. 161.
15. *Мачковский И.Г.* Полиция Франции (организация, кадры, уголовно-процессуальная деятельность). – М., 1972. – С. 24.
16. *Шишкарев С.Н.* Полицейская система Франции: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М., 2001. // [Эл. манба]. – URL: <http://dissercat.com/content/politseiskaya-sistema-frantsii> (мур. вақти: 20.05.2016).
17. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие / Якубов А.С., Асямов С.В., Таджиев А.А., Миразов Д.М. – Т., 2010. – С. 368.
18. **T. Valintina, die Ermittlerin für Frauenangelegenheiten des deutschen Innenministeriums, sagte.** <https://budeg.de/wp-content/uploads/2021/02/Festschrift-50-Jahre-BID.pdf>